

Поситано — тепаликда жойлашган хушманзара шахар. Кишда бу ердаги уч-тўртта одмигина мехмонхона аёлу эркак рассомларга тўлиб кетади, лекин шахарга ёз пайтида келсангиз хамма жойлар сизники. Тинч ва ораста мехмонхона айвонида ўтириб туни билан денгизни томоша килиш мумкин. Пастда, киргок якинида макарон, яхна гўшт, янги тутилган балик ва муздек мусаллас сотиладиган кичкина ошхона бор.

Август кунларининг бирида ўтиравериб кўнглимга урган Капридан кетиб, уч-тўрт кунни Поситанода ўтказишга қарор қилдим. Ижарага қайик олиб, шахарга қараб сузиб кетдим. Поситанога кеч тушганда етиб бордим. Бир-бир кадам ташлаб тепаликдаги мехмонхонага чиқа бошладим. Чемоданларим икки бакуват италян аёл бошида. Бинога етиб боргач, у ерда бошка мехмон хам борлигини эшитиб хайрон бўлдим. Офитсиант (исми Жузеппе эди) менинг эски танишларимдан эди. Хоналарга қаровчи ходим, хаммол, оксоч ва ошпаз вазифасини хам ўзи бажарарди. Уч ойдан бери мехмонхонада бир америкалик сенёр турганини айтди.

“У рассомми ёки ёзувчи?”, деб сўрадим.

“Йўк, сенёр, у жентелмен.”

Кизик-ку. Бу пайтда Поситанога чет элликлар келишмасди. Уч ой шу ерда қолишни хоҳлаган одамни кўз олдимга келтиролмасдим. Балки кимдандир беркиниш учун келгандир. Ўша йилнинг бошларида жиноятга қўл урган машхур бир банкирнинг қочиши бутун Лондонда гап бўлганди. Бу сирли кимса ўша банкир бўлса-чи, деган фикр ўтди хаёлимдан. Мен у одам билан оз-моз таниш эдим, шунинг учун хам кўришганимизда безовта бўлмаса керак, деб ўйладим.

“Сенёрни ошхонадан топасиз”, деди Жузеппе кўчага чиқаётганимда. “У доим ўша ерда овкатланади.”

Албатта, мен борганимда у ошхонада йўк эди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг мехмонхонадаги нотаниш кўшним кириб келди ва унинг мен кутган қочок банкир эмаслигини кўриб озгина ўнгайсизланиб қолдим. Ёши анчага бориб қолган, новча, денгиз ёқасида дам олиб қорайган, хушбичим, чўзинчок юзли киши экан. Эгнида очсарик рангли ипақдан тикилган озодагина костюм, шляпаси йўк эди. Қалта олинган оппок сочлари хали хам анча қалин эди. Очк кўнгиллиги мана-ман деб турган бу одамнинг ўзини тутишида қандайдир жозиба бор эди. У олтитача столда карта ва домино ўйнаб ўтирган шу ерликларга бир-бир қараб чикди-да, кейин мени кўрди. Кўзларида қувонч порлади. Менга яқинлашди.

“Сизни мехмонхонага хозиргина келди, деб эшитдим. Жузеппенинг вақти йўк экан.

Демак, ўзимни ўзим таништиришим керак. Бегона одам билан овкатланишга қаршимасмисиз?”

“Йўк, албатта. Ўтиринг.”

У стол тузаётган хизматчи аёлга италянчасига жуда чиройли қилиб менинг ўзи билан овкатланмокчи эканлигимни айтди.

У ажойиб коктейл тайёрлади ва иштахамиз очилиб, овкатлана бошладик. Мезбоним хазилга уста экан. Тилни бузмай, равон гапириши менга ёқди.

“Агар кўп гапириб юборсам, хафа бўлмайсиз”, деди бир оздан кейин. “Уч ойдан бери, мана, биринчи марта менда инглизча гапириш имкони пайдо бўлди. Бу ерда узок қолмасангиз керак. Шунинг учун хам ичимдаги хамма гапларни сизга айтиб оламан энди.”

“Поситанода дам олиш учун уч ой, менингча, кўплик қилади.”

“Менинг ижара кайигим бор, чўмиламани, балик овлайман. Эх-хе, канчадан-канча китобни ўкиб чикдим. Бу ерда китобларим жуда кўп. Хохласангиз, сизга ҳам бериб туришим мумкин.”

“Ўқишга ўзимдаям нарсалар кўп. Лекин қандай китобларни ўқишингизни бир кўриб кўйсам ёмон бўлмасди. Бошқаларнинг нима ўқиётганини кўриш жуда кизик.”

“Тўгри, бундан ташқари, кўлидаги китобига қараб одам ҳақида анча нарса билиб олса бўлади”, деди у.

Овқатдан кейин суҳбатимиз яна давом этди. Хамроҳим кўп китоб ўқиган экан. У билан хохлаган мавзуда гаплашиш мумкин эди. Рассомлик тўгрисида шу қадар билимдонлик билан гапирдики, танқидчи бўлса керак, деб ўйлаб қолдим. Лекин бироздан сўнг у ўқиган китоблари ҳақида сўзлай бошлади, мен уни университет профессори экан, деган хулосага келдим. Исмини сўрадим.

“Барнаби”, деди у.

“Бу ном жуда машҳур бўлиб кетди”, дедим.

“Ўйг-е, нега энди?”

“Барнаби хоним ҳақида эшитмаганмисиз? Сизга ҳамюрт бўлади.”

“Газеталарда исмига кўзим тушган бўлиши мумкин. У аёлни танийсизми?”

“Ҳа, албатта. Барнаби хоним бутун ўтган мавсум давомида бир-бирдан дабдабали ўтиришлар ташқил қилди. Таклиф қилганда бирортасидан қолмадим. Хамма борди. Биласизми, у жуда ажойиб аёл. Лондонга дам олиш учун келган экан. Лекин уюштирган ўтиришлари, қасам ичиб айтаманки, Лондондаги энг эсда қоларли ўтиришлардан бўлди.”

“Жуда бой бўлса керак-да?”

“Ҳа, жуда. Лекин муваффақиятларига сабаб пул эмас. Америкалик аёлларнинг аксарияти пулдор. Барнаби хонимнинг давраларда ўз ўрни борлигига сабаб бўлган асосий хусусият унинг феъл-атворидаги барқарорлик. У ҳеч қачон ўзини қатта одам қилиб кўрсатишга уринмайди. Унда табиийлик бор. Ҳа, бебаҳо аёл. Барнаби хоним бошидан ўтказган воқеалар ҳақида эшитгандирсиз?”

Дўстим жилмайди.

“Барнаби хонимнинг Лондонда донги кетган бўлиши мумкин. Лекин Америкада уни кўпчилик деярли танймайди.”

Мен ҳам жилмайдим.

“Маيلي, унда хоним ҳақида ўзим гапириб бераман. Барнаби хонимнинг эри маънавий томондан анча етук бўлса ҳам, кўриниши кўполроқ экан. Хонимнинг айтишича, эри баланд бўйли, девқелбат киши, хохласа, бир уриб хўкизни қулата оларкан. Уни Аризонада “Бехато урадиган Майк”, деб қақаришаркан.”

“Ё Худо! Нега?”

“Биласизми, кўп йиллар аввал ёшлигида у бир ўк отиб иккита одамни ўлдирибди. Барнаби хонимнинг айтишича, у хатто ҳозир ҳам Серқоятоғларнинг қарбида яшайдиган ҳар қандай эрқакдан яхшироқ отаркан. Хонимнинг эри асли қончи бўлса-да, ўз вақтида чўпонлик қилган, қонқоний қурол савдоси билан ҳам шугулланган экан.”

“Ҳа, ҳақиқий қарблик экан”, деди профессорим қесатгандек алқозда.

“Барнаби хонимнинг эри ҳақида гапириб берган ҳикоялари жуда кизик. Барча ўша қаройиб одам билан бир марта бўлса ҳам гаплашишни истаган эди, бироқ Барнаби хонимнинг гапига қараганда, у ҳеч қачон ўзининг беқоён даштларини ташлаб, Лондонга қелмас эмиш. Бир-икки йил аввал нефт қонини топибди, ҳозир пулга қўмилиб ётган эмиш. Барнаби хоним эри билан бирга бошларидан қечирган сарғузаштларини сўзлаганда,

барча мехмонлар гапларига махлиё бўлиб қолишади. Сочига ок тушган, ўзи унча чиройли бўлмаса ҳам гўзал либосларни кийиб, кимматбаҳо марваридлар таккан бу аёлнинг бир вақтлар кончилар кийимини ювиб, уларга овокат тайёрлагани хақидаги хикоясини эшитганингизда завкланиб кетасиз. Барнаби хонимнинг шахзодалар, элчилар, ҳукумат аъзолари-ю, гертсоғлар билан бир столда қариндошлардек бемалол гурунглашиб ўтирганини кўриб, уч-тўрт йил аввал шу аёл етмишта кончига овокат пишириб юрганига одамнинг ишонгиси келмайди.”

“Хоним ўқиш ёки ёзишни биларканми?”

“Таклифномаларни, менингча, қотибаси ёзган бўлса керак. Лекин ўзи саводсиз эмаслиги аниқ. Бир сафар менга ҳар қуни кечкурун кончилар ухлашга кетганда ўзини бир соатдан китоб ўқишга мажбур қилганини гапириб берганди.”

“Ажойиб!”

“Лекин Бехато урадиган Майк бойиб, чекларга имзо чекишга тўғри келгандагина исмини ёзишни ўрганган.”

Тепаликдаги мехмонхонамизга чиқдик ва хайрлашишдан аввал эртанги кунни бирга ўтказишга келишиб олдик. Кейинги кунни ҳам чўмилиш, китоб ўқиш, овокатланиш, ухлаш билан маза қилиб ўтказиб, кечки овокатни ҳам бирга қилдик. Эртаси қуни эрталаб, айвондаги нонуштадан сўнг, Барнабига китобларини кўрсатиш хақидаги ваъдасини эслатдим.

“Кани, юринг-чи.”

У билан бирга ётоқхонасига кирдик. Хизматчи Жузеппе Барнабининг ўрнини тартибга келтираётган экан. Хонада кўзим тушган биринчи нарса — донги кетган ўша Барнаби хонимнинг бежирим рамкага солиб қўйилган сурати бўлди. Дўстим ҳам суратга қаради ва бирдан ранги оқарди.

“Есинг жойидами, Жузеппе? Нега бу суратни жавонимдан олдинг? Жин урсин, нимага расми жавонга солиб қўйганимни биласанми ўзи?”

“Билмабман, сенёр. Сенёраларини столда кўриш сенёрга ёқади деб ўйлабман.”

Донг қотиб қолдим.

“Барнаби хоним сизнинг хотинингизми?”, деб бақариб юборибман.

“Ҳа.”

“Эй Худо, сиз Бехато урадиган Майкмисиз?”

“Ўхшамайманми?”

Қулиб юбордим.

“Тўғрисини айтсам, ўхшамайсиз.”

Қўлига қараган эдим, Барнаби синиккина жилмайиб уларни яширди.

“Йўқ, сер, мен ҳеч қачон бир мушт уриб ҳўқизни ўлдирмаганман.”

Уч-тўрт сония бир-биримизга тикилганча туриб қолдик.

“Хотиним мени кечирмайди энди”, ух тортди Барнаби. “У исимини ўзгартиришим лозимлигини айтганди, унамаганимдан кейин роса жахли чиқувди. Охири вой бўлади, деганди. Мен бўлса уч ой Поситанода беркинишнинг ўзи қифоя, деб гапига қулок солмагандим.” У негадир жимиб қолди. “Мана энди тасодифан воқиф бўлганингиз бу сирни ҳеч қимга айтманг, деб сизга илтимос қилишдан бошқа иложим йўқ.”

“Кўркманг, керак бўлса, нариги дунёда ҳам сирингизни ошқор этмайман. Лекин, тўғрисини айтсам, ҳеч тушунмаяпман.”

“Аслида, қасбим ўқитувчилик, ўттиз йилдан бери хотиним билан бирга Пенсилванияда яшардик. Билмадим, балки мен сизда бетартиб одамга ўхшаб таассурот

колдиргандирман, аммо шуни айтишим керакки, Барнаби хоним мен билган аёллар орасида энг маданиятлиси. Хуллас, амакиваччасининг вафотидан сўнг хотинимга жуда катта бойлик мерос тегди. Хотиним жуда-жуда бой аёл. У доим инглиз адабиётини ўқийди. Шунинг учун унинг энг катта орзуси — Лондондаги юкори табака вакиллари даврасига кўшилиш, Лондон мавсуми давомида базмлар ташкил қилиш ва китоблардан бу ҳақда ўқиганларини рўёбга чиқариш бўлди. Албатта, пул уники эди. Хотинимнинг бундай истаклари менга унча ёкмаса ҳам орзуларига етиши учун имконияти борлигидан хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, ўтган йили апрелда Англияга қараб йўлга тушдик. Буни қарангки, Херефорд гертсоги ва гертсогиняси ҳам биз билан бир кемада кетишаётган экан. Йўлга чиққан вақтимизда мен касал эдим, шу сабабли каютамдан чиқа олмадим. Барнаби хоним эса хоҳлаган ишини қилиш имкониятига эга бўлди. Унинг шезлонги гертсогиняники билан ёнма-ён жойлашган экан. Хотиним хазил-мутойибага жуда уста. У ўша гертсогиня билан суҳбатлашган ва унга битта воқеани айтиб берган. Хикоя янада қизиқарли чиқиши учун бу нарса ўзимнинг бошимдан ўтган, деб айтган. Бу дарров натижа бериб, гертсогиня яна бирор нарса гапириб беришини илтимос қилган. Шунда хотиним яна бир уйдирмани ўйлаб топган. Хуллас, йигирма тўрт соатдан сўнг хотиним гертсог ва гертсогиня билан ака-укалардек апок-чапок бўлиб кетди. Ора-орада каютамга келиб эришган муваффақиятларини айтиб берарди. Ўзим ҳам бу ишга қизиқиб қолдим. Қиладиган юмушим йўқ эди. Кутубхонадан Брет-Гарт асарларини келтиртириб, хотинимга ҳар хил саргузаштларни ўргатиб турдим”.

Беихтиёр пешонамга урдим: “Биз бўлсак, Барнаби хонимни Брет-Гартга қиёслаб мактардик.”

“Саёҳат охирида каютамдан чиқаман-у хотинимнинг дўстларига аёлим билан уларни шунча вақтдан бери қандай қилиб алдаб келаётганимизни айтиб бераман, уларнинг донг қотиб қолишганини кўриб роса қуламан, деб ўйлардим. Лекин рафикамни билмас эканман. Эртаси қуни, Саутгемптонга етиб қолганимизда, Барнаби хоним Херефорд гертсоги унинг шарафига зиёфат бераётганини айтди. Гертсогиня хотинимни казо-казоларга таништираман, деб интиқ экан. Албатта, бундай имконият мингтадан битта одамга насиб этади. Мен эса ҳаммасини расво қилишим мумкин эди. Хотиним гапириб берган воқеаларида мени умуман бошқача тасвирлаганини айтди. У пайтда хали Барнаби хоним мени аллақачон Бехато урувчи Майкка айлантириб қўйганини билмасдим. Лекин кемада эканлигим эсидан чиқиб, кўп нарсалар тўқиганини қўнглим сеза бошлаганди. Қисқаси, у мавқеини мустаҳкамлаб олгунича бир-икки ҳафта Парижда яшаб туришимни илтимос қилди. Рози бўлдим. Лондондаги зиёфатларга боришдан кўра Сорбоннада озгина бўлса ҳам ишлаш мен учун минг марта яхши эди. Шундай қилиб уни Саутгемптонда қолдириб Парижга кетдим. Ўн кун ўтгач, Барнаби хоним оркамдан етиб келди. Орзу қилганидан ҳам катта муваффақиятларга эришганини, бошидан кечираётганлари ўқиган романларидаги воқеалардан минг марта яхшилигини, лекин танишлари мени кўриб қолишса ҳаммаси тугаши мумкинлигини айтди.

Жуда яхши, дедим мен, ундай бўлса Парижда яшайвераман. Унга бу фикр ёкмади, менинг шунчалик яқин жойдалигим ва номимни билган биронтасини учратиб қолишимдан кўркиб тинч юролмаслигини айтди. Вена ёки Римга кетсам-чи, дедим. Бу ҳам ёкмагач, мана шу жойга келдим ва шу ерда жиноятчига ўхшаб узундан-узук уч ойдан бери беркиниб ётибман.”

“Чап ва ўнг қўлингизда револверлардан бирварақайига отиб иккита киморвозни ўлдирганингиз ҳам ёлгон экан-да!”

“Огайни, мен ҳеч қачон кўлимга қурол олмаганман.”

“Мексикалик карокчиларнинг чайлангизга хужуми-чи? Ўшанда хотинингиз милтиқларни ўқлаб турган экан, сиз бўлса то ҳукумат кўшини ёрдамги етиб келгунча уч кун хужумни қайтариб тургансиз. Бу ҳам ёлгонми?”

Барнаби жилмайган бўлди.

“Бунисини ўзим ҳам эшитмаган эканман. Хаддан ошириб юборган-а.”

“Нималар деяпсиз? Булар худди Ёввойи Гарб хақидаги саргузашт филмлардек бизларга ёккан.”

“Хотиним гоёни ҳам ўша ердан олган бўлса керак.”

“Лекин киртогора-чи? Кончилар кийимини ювиши, яна алламбалолар. Хотинингиз бу воқеани гапириб, бизларни қанчалик қулдирганини сиз билмайсиз. Ахир, Барнаби хоним Лондонга киртогорада сузиб келган эди-ку!”

Кулиб юборди.

“Ҳа, Барнаби хоним ҳаммамизни бошлаб лакиллабди.”

“Мени ҳам роса алдаган”, деди Барнаби.

“Рафикангиз ажойиб аёл. Ундан қанча фахрлансангиз шунча оз. Доим уни бебаҳо аёл, дердим. У ҳар бир инглиздаги саргузашт-у уйдирмаларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида пайкай олди ва бизга айнан ўзимиз хоҳлаган нарсани берди. Ёлгонларини бутун дунёни беришса ҳам ошқор қилмасдим.”

“Сўзларингиз учун раҳмат, сер. Хақиқатан ҳам Лондон ажойиб мезбонга эга бўлди. Мен эса бебаҳо хонимдан айрилдим, шекилли.”

“Бехато урадиган Майк учун бирдан-бир макон, бу — Ёввойи Гарб. Азизим Барнаби, сизнинг йўлингиз битта: беркинишни давом эттиринг.”

“Маслаҳатингиз учун қатта раҳмат”, кесатди Барнаби.

Алишер Отабоев таржимаси